

“Янгибозор тумани ахборот кутубхона маркази биносини жорий таъмирлаш”.

Янгибозор тумани

2022 йил “8 “апрель

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Янгибозор туман ёшлар дафтари жамгармаси номидан Низом асосида иш кўрувчи мудири Ж.Холметов бир томондан ва кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган «Хоразм Алфа Курилици» МСНJ номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбар З.Каландаров иккинчи томондан «Янгибозор тумани ахборот кутубхона маркази биносини жорий таъмирлаш » га доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

1. Таърифлар

1.Мазкур шартномада тарифлар кулланилади:

“ижро ҳужжатлари”: - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритолган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда кўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айrim маъсулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар:

“курилиш майдони”: Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегарасини ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади.

“вақтингчалик ишлар”: Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур зарур бўлган ҳар типдаги вақтингчалик бинолар ва иншоотлар.

“беркитилган ишлар”: - сифати ва якунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

шартномани нархини бўлиб чиқиши: ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қийматининг аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектни умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига “Янгибозор тумани ахборот кутубхона маркази биносини жорий таъмирлаш” ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома бўйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори (2022 йил “6” апрелдаги “60932” сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча соликлар, йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда – 24 750 000 (йигирма турт миллион етти юз эллик минг) сўмни ташкил этади.

4.Ишлар қиймати узел-кесил хисобланади ва кейинчалик кайта куриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги холлар тбундан мустасно;

қурилиш қиймати ва кўпайтиришга енгib бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда;
ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгаририлганда;
объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқка ўзгаририлганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6 Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 20%ни ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартларига мувофиқ топшириш;

- иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш тушариш омборга жойлаш ва саклаш;

- қурилиш майдони худудида вақтингчалик иншоотлар қуриш;

- буюртмачини Пудрат шартномалари низомини тақдим этишинде олардан берилген шартномалар түзүлиши, шартнома мазмунни, субпудратчының номи ва майданын түзүлишинде олардан берилген шартномалар түзүлиши;
 - курилиш таваккалчылыгини сугурте көлиш.
- Мазкур шартнома буйича-объектни фойдалаништың кабул киلىб олардың түзүлиши даалолатнома имзо чекиленгандан бошлаб бир ой муддатта курилиш майдонини үзүгү төрткүннен кийин машиналар, асбоб-ускуналари, транспорт-воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарь, инструменттер, материалдар, буюмлари, конструкциялар хамда вактиначалик бинолардан бүштеш.

курилиш майдонини күрикләнүүшини тъминлаш;

курилиш жарабинда жалб килинган ишчи ходимларни белгилантаса төрткүннен расмийлаштырыс иштимои химолса ва техник хафсызлитетини тъминлаш.

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни түлик хамкада бажаришиң уз зымасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома буйича барча ишларнинг ўз кучлари бишн ва субпудратчылар томонидан зарур тарзда бажарилиши хамда объекттининг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида түлик мүлкүй жавоб беради.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофик ишларни бажариш учун ярокли бўлган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома буйича Пудратчига бериш;
- ишлар бажарилиши устидан доимий курилишица техник назорат ва мазкур шартномала кайд этилган Пудратчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш; Пудратчидан тугалланган ишларни кабул киلىб олишни тъминлаш;
- Пудратчининг барча мурожаатларини ун кун муддатда куриб чикиш ва жарор кабул килиш;
- молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига З иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштириши амалга ошириш;
- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларни кабул килиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;
- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни түлик ҳамкада бажариш мажбуриятини олади.

VI. Ишларни бажариш муддати

10. Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро хисоб-китоб қилинганда томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб:

кейинчалик ЭАВ га конвертация килган ҳолда миллий валютада (сўмда) ўзаро хисоб-китоб қилинганда шартнома конун хужжатларга мувофик рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради;

11. Пудратчи мазкур шартномага иловага қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофик, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов натижаси буйича аниқланган курилишнинг давом этиши вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 5 кун (13.04.2022) йилни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома буйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

VII. Тўловлар ва хисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома буйича ишлар умумий қийматининг 30 % микдорида, дастлабки иккى ойга тенг улушларга (оийга 15 фоиздан) булган аванс ўтказади, бу – 7 425 000 (етти миллион турт юз йигирма беш минг) сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос хисобланади (3-и洛ва).

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни хисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофик объектининг умумий шартномавий жорий қийматининг 95 % гача доирасида амалга оширилади.

17. Объектининг шартномавий жорий қийматининг қолган кисми Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги ўзил-кесил хисоб-китоб курилиш тугаллангандан кейин ва объект кабул комиссияси томонидан белгиланган тартибида кабул қилингандан кейин ёки мазкур шартномада белгиланган кафолат муддати (бир йил) тамом бўлгандан кейин ишлар қийматининг 5% гача микдорида, амалга оширилади.

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга кадар мазкур шартнома буйича мулк хукукини ўзида саклаб қолади. Объектининг Буюртмачига топширилгунга кадар, объектининг тасодифий йўқ қилининиша ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зымасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома буйича ўз зымасига кабул килган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу хакла конун хужжатларида белгиланган тартибида Буюртмачини ёзма равищда хабардор килган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибида бекор килиш хукукига эгалdir. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун хак тўлашдан озод килинмайди.

20. Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун молиялаштируви органлар томонидан таблаг молиялаштирилмаган тақдирда “Буюртмачи” тўлов учун мажбурият ва жавобгарликни ўз зымасига олмайди.

VIII. Ишларни бажариш

20. Буюртмачи курилиш майдонида ўз вакилини – Техник аудиторини тайинлади, у Буюртмачининг номидан бажарилётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга ошириади.

шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш хукукига эгадир.

22. Пудратчи Техник аудитор ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган курилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал килиш бўйича ифилишларда мунтазам равишда қатнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажариши мустакил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини курилишда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Курилиш майдонида умумий тартиби таъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

26. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вактда Пудратчига ортиқча тупроқ ва курилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни казиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги хужжатларни беради.

27. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда курилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) килиш учун Пудратчига геодезия нўқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нўқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараённида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз хисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

30. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактинча улашни ва улаш нўқталарида янгидан курилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан курилишда кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

32. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул килишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва курилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишда хабардор қиласди.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёrlиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул килиш далолатномалари ҳамда уларнинг курилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдикланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳакла хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир килмайдиган иш хужжатларидан майда четта чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга ошираса, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганилигини исоблатласа жавобгар хисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганилигини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва курилиш кийматини кўпайтирасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келшилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 35 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сириради ва озода саклайди, курилиш даврида майдонда курилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул килиб олиниши ўтказилган синовлар, материаллар ўз вактида етказиб берилмасилиги билан боғлиқ тўхтаб колишлар, курилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек курилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир килиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қоникмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтирида ўз фикирини баён қиласди.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда қўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

IX. Ишларини қўриқлаш

39. Пудратчи ишлар бошланишидан курилиш тугаллагунча ва курилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул килиб олингунга қадар четлари тўсилган курилиш майдони худудидаги материаллар, асбоб-ускуналар курилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўрикланишини таъминлайди.

40. Тикланган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул килиб олингандан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиласидилар.

43. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаф килишга ҳақлидир.

XI. Курилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

44. Курилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек курилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

46. Пудратчи курилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгилаган таркибдаги икки нусха ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар

48. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;
- лойиҳа хужжатлари ҳамда курилиш меъёrlари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;
- ўзи томонидан курилиш учун кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиҳа хужжатларида қўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;
- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланган камчиликлар ва нуксонларни ўз вақтида бартараф қилинишини;

объектдан фойдалангандаги мухандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

49. Объект ва унга кирадиган мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар курилиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади. Объект томонининг кафолат муддати камида 12 ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланаб, уни бартараф этилгунга қадар фойдаланиши давом эттириши имконини бермайдиган нуксонлар аникланса, у ҳолда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида кайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада қўрсатилган муддат ичida бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш хукукига эга.

51. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар қўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиши курилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII. Шартномани бекор қилиш

52. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин курилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечикирилганда;

- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечикирилган холда,
- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганды;
- пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва коидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганды;
- конун хужжатларига мувофик бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб килиш хукукига эга.

53. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб кўйилганды;
- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганды;
- конун хужжатларига мувофик бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб килиш хукукига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кўшма карорига кўра тугалланмаган қурилиш обьекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга карор қилган томон мазкур бўлим коидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айборд томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл кўйилмайди, конун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айборд томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунида, бошқа конун хужжатларида хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, ўз вактида молияштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган кисмининг 0,01 % (фоиз) микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 10 % (фоиз) дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

60. Шартномага мувофик бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган сумманинг 10 % (фоиз) микдорида жарима тўлайди.

61. Пудратчи обьектни ўз вактида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,01 % (фоиз) микдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси обьект шартномавий жорий қийматининг 10 % (фоиз)дан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати - ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,01 % (фоиз) микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 10 % (фоиз)дан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди

62. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва коидаларига, ишчи хужжатларига мувофик бўлмаса у холда Буюртмачи қурилишда Давлат назорати инспекциясининг хulosаси асосида обьектни қабул килиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тартиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 1 % фоизи микдорида ундириш хукукига эга.

63. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган заарларни қоплайди.

64. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

65. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар конун хужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

XVI. Алоҳида шартлар

66. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўтгасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

67. Пудратчи курилиш обьектига ёки унинг алохига кисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташкари, бирон-бир учинч томонга сотиш ёки бериш хукукига эга бўлмайди.

68. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий хисобланади.

69. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган хар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

70. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин курилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод килиш сана сигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун хужжатлари нормалари кўлланилади.

72. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 4 нусхада тузилади.

XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари.

БУЮРТМАЧИ:

«Янгибозор туман ёшлар дафтари жамгармаси»

Манзил: : УЗБЕКИСТАН, Хорезмская область,
Янгибазарский район
Тел/факс: 624194-013
шх/р 305022860332367109601018001
СТИР 201085807

Банк: Марказий банк Тошкент шахар ХБКМ

МФО 00014 ИИН 201122919

Рахбар:  Ж.Холметов

Хукукшунос:

Булим бошлиги:

ПУДРАТЧИ:

«Хоразм Алфа Курилиш» МЧЖ

Манзил: Хоразм вилояти Урганч шаҳар
ORZU 2-BERK KO'CHASI, 32-UY
Тел: 907132211
Х/р: 20208000204736811001
Банк: УРГАНЧ Ш., "МИКРОКРЕДИТБАНК"
АТБ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ
СТИР 300980902 МФО 00549
ОКЭД 41201

Рахбар:  З.Каландаров

Хукукшунос:



Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 60932 на приобретение Янгибозор туман ахборот-кутубхона маркази биносини жорий таъмирлаш

Способ проведения электронный

Дата 06.04.2022

Время рассмотрения 06.04.2022 12:26

Конкурсная комиссия Янгибозор туман ёшлар дафтари жамгармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	XALMETOV JAXONGIR BAXADIROVICH	Хоким нинг 1-уринбосари, комиссия раиси	Танлов комиссия раиси
Секретарь комиссии	BERDIYEV FAXRIDDIN RAJABBAYEVICH	хисобчи, комиссия котиби	танлов комиссия
Член комиссии	MATTIYEV ZOKIR MAXMUDJONOVICH	юрист в.в.б, комиссия аъзоси	танлов комиссияси
Член комиссии	SALAYEV IXTIYAR BAXTIYAROVICH	бош хисобчи, комиссия аъзоси	танлов комиссияси
Член комиссии	PO'LATOV DILMUROD JUMANAZAR O'G'LII	Мутахассис, комиссия аъзоси	танлов комиссияси
Член комиссии	SAMANDAROV MURODBEK SAMANDAROVICH	Хоким уринбосари, комиссия аъзоси	Танлов комиссияси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 06.04.2022 года № лота 60932.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 30.00 / Весовой коэф. ценовой части: 70.00)

Мин. балл: 10

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту нежилых зданий
Подробное описание	Янгибозор туман ахборот-кутубхона маркази биносини жорий таъмирлаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	24 794 211.00
Стартовая сумма	24 794 211.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Xodimlar soni

Тип: Текстовое значение

Описание: Ходимлар сони тўғрисида маълумот. Таасиқланган(Предпочтительно)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО XORAZM ALFA QURILISH	10	24750000	10	Экспертная		
ЧП BARAKALI DIYOR QURILISH	10	24790000	5	Экспертная		

Критерий №2 Shu soxada uzluksiz ish staji

Тип: Текстовое значение

Описание: Shu soxada uzluksiz ish staji(Предпочтительно)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО XORAZM ALFA QURILISH	10	24750000	10	Экспертная		
ЧП BARAKALI DIYOR QURILISH	10	24790000	8	Экспертная		

Критерий №3 Zarur texnikalarning mavjudligi

Тип: Текстовое значение

Описание: Zarur texnikalarning mavjudligi to'g'risida ma'lumot(Предпочтительно)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО XORAZM ALFA QURILISH	10	24750000	10	Экспертная		
ЧП BARAKALI DIYOR QURILISH	10	24790000	8	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ЧП BARAKALI DIYOR QURILISH	24 794 211.00	24 790 000.00	05.04.2022 20:56:41	69.89
ООО XORAZM ALFA QURILISH	24 794 211.00	24 750 000.00	05.04.2022 11:05:24	70.00

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ЧП BARAKALI DIYOR QURILISH	21	69.89	90.89
ООО XORAZM ALFA QURILISH	30	70	100

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 60932 от 06.04.2022 года на приобретение Янгибозор туман ахборот-кутубхона маркази биносини жорий таъмирлаш определила победителем:

ООО XORAZM ALFA QURILISH
300980902

и резервный исполнитель: ЧП BARAKALI DIYOR QURILISH (306732255)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	XALMETOV JAXONGIR BAXADIROVICH	Согласен	
Член комиссии	MATTIYEV ZOKIR MAXMUDJONOVICH	Согласен	
Член комиссии	SALAYEV IXTIYAR BAXTIYAROVICH	Согласен	
Член комиссии	PO'LATOV DILMUROD JUMANAZAR O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	SAMANDAROV MURODBEK SAMANDAROVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП